

ТАЪЗИЯ



19:40 / 31.07.2020 1400

«Hilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси 2005 йилдан 2019 йилга қадар Тошкент шаҳридаги бир неча масжидларда имом ноиби вазифасини бажариб келган Муроджон қори Кабировнинг волидаларининг вафотлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳума онамизнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин. Йўқотганларининг ўрнини яхшиликлар билан тўлдирсин! Ажрларини улуғ қилиб, офиятида бардавом айласин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».